



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА ХОТИН- ҚИЗЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Мустофақулов Бобур Асрор ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

**Баходирова Махфуза Анварбек қизи**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим  
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича  
таълим олаётган 3-ўқув курси 310-ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17810697>

**Аннотация:** Ушбу мақолада профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида аёлларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича хотин-қизлар фаоли билан ҳамкорлиги, ҳамкорликда маҳаллада олиб борадиган чора-тадбирлари ва ҳуқуқий асослари ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** аёлларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти, хотин-қизлар фаоли билан ҳамкорлик, профилактика инспектори, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается сотрудничество инспектора по профилактике с женским активом по повышению правового сознания и правовой культуры женщин в сфере профилактики правонарушений, а также совместные меры и правовые основы их деятельности в маҳалле.

**Ключевые слова:** правовое сознание и правовая культура женщин, сотрудничество с женской активисткой, инспектор по профилактике, профилактика правонарушений.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда оила, хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида аёлларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича хотин-қизлар фаоли билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш долзарб масалалардан бири бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат



хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди”<sup>1</sup> деб бежизга таъкидламаганлар.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида аёлларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича хотин-қизлар фаоли билан ҳамкорлигисиз тасаввур этиш қийин.

Бундан ташқари, Бош қомусимизнинг 58-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканлиги, давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаши белгилаб қўйилди. Мазкур модда ҳам хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга, турли соҳаларда эркаклар қатори эркин фаолият кўрсатишига ҳуқуқий асос бўлади. Шу ўринда қайд этиш керакки, юртимизда хотин-қизларни ижтимоий қўллаб қувватлаш, олий таълим билан қамраб олиш, касбга йўналтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2022-2023 ўқув йилидан олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун фоизсиз таълим кредитлари жорий қилинди. Магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг шартнома тўловларини давлат томонидан қоплаш тартиби белгиланди. Эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим шартномаларини маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қайтариш шартсиз қоплаш тартиби жорий қилинди.

2022 йил 1 апрелдан бошлаб уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган, шу жумладан, «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун ижтимоий уй-жойларни «Халқпарвар» комиссиялари билан келишган ҳолда иккиламчи уй-жой бозоридан сотиб олишга рухсат берилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 10 apreldagi «Ichki ishlar organlarining faoliyati samaradorligini tubdan oshirish, jamoat tartibini, fuqarolar huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilishni ta’minlashda ularning mas’uliyatini kuchaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi farmoni // O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. – 2017. – № 15. – 243-m. – B. 26–31.

<sup>2</sup> file:///C:/Users/User/Downloads/yangi-zbekistonda-hotin-izlar-u-u-larining-imoyasi-va-kafolatlari.pdf.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий Дастур ҳам мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни тизимли давомидир.

01.03.2022 йилдаги ПҚ-146-сон “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Президент қарори билан Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси ташкил этилди<sup>3</sup>.

Қарорга кўра, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари лавозимларига номзодлар очиқ танловлар асосида ишга қабул қилинади. Ушбу лавозимга оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тажрибасига эга, шахсий фазилатлари билан намуна кўрсатган, фидойи ва садоқатли номзодлар тайинланмоқда<sup>4</sup>.

Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш мақса-дида Президентимиз жорий йил 1 март куни “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонни имзолади. Ушбу муҳим ҳужжат билан хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, жойларда эса ҳудудий комиссиялар ташкил этилди.

Фармонда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Айниқса, бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунга асосан, олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, сиртқи ва кечки таълимда ўқиётган хотин-қизларнинг контракт пулларини тўлаш учун 7 йилга фоизсиз кредит бериш, давлат

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1-мартдаги “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 146-сон қарори. <https://lex.uz/ru/docs/5884084>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1-мартдаги “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 146-сон қарори. <https://lex.uz/ru/docs/5884084>.



олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари тўлиқ давлат бюджетидан қоплаб берилиши тартиби жорий қилинмоқда.

Шунингдек, эндиликда хорижий олий таълим муассасаларига бакалавриат учун — 50 нафар, магистратура учун — 10 нафар хотин-қизларга ҳар ўқув йилида “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали қўшимча грантлар ажратилади. Қолаверса, ҳар йили 2 100 нафар ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим кон-трактлари маҳаллий бюджетдан тўлаб берилиши, докторантура йўналишида хотин-қизлар учун 300 тадан мақсадли квота ажратилаётгани янги Ўзбекистоннинг маърифатли аёлларига яритилган имконият ва шароитлардир. Маълумки, ҳар йили 11 февралда илм-фан соҳасида хотин-қизларнинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган халқаро тадбирлар ўтказилиши замирида муайян рамзий маъно бор. Гап шундаки, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Тараққиёт мақсадлари йўлида фан, техника ва инновациялар тўғрисидаги резолюцияда 11 февраль – Илм-фанда хотин-қизлар иштироки халқаро куни, деб эълон қилинган. Бу яратилган имкониятлар яқин йилларда ўзбекистонлик олима аёлларимизни ана шундай халқаро тан олинади. Зеро, бугунги кунда Фанлар академияси тизимида ишлаётган 5000 нафар хизматчининг 40 фозини, хотин-қизлар ташкил этмоқда. Юртимизда илмий изланишлар билан машғул 2 минг 146 нафар тадқиқотчидан 695 нафари ҳам аёллардир. Маълумотларга кўра, бугунги кунда фан, таълим, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларида машғул бўлган ходимларнинг 70 фоизини хотин-қизлар ташкил этар экан. Энди юқоридаги конституцион норма билан барча соҳаларда фаолият олиб борадиган хотин-қизлар улуши янада ортади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30-ноябрдаги “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 801-сон қарорида маҳалла еттилки аъзоларининг ижтимоий профилактика доирасида ваколатлари белгиланган<sup>5</sup>.

Жумладан профилактика инспектори томонидан тайёрланган хулоса асосида қуйидагилар тўғрисидаги маълумотлар ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш учун ахборот тизими орқали тегишлилиги

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30-ноябрдаги “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 801-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7243832>.



бўйича ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектларга юборилади.

Хотин-қизлар фаолига:

ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилалар;

ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар;

мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраб келаётган хотин-қизлар;

жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар бўйича тайёрланган хулосалар юборилади.

Хотин-қизлар фаоли:

Ажрим ёқасига келиб қолган ва низоли оилалар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказилади, низоларнинг сабабларини аниқлайди, улар бартараф этиш мақсадида маҳалла раиси билан ҳамкорликда «Соғлом оила — соғлом жамият» тамойилларини тушунтиради, оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишни ижтимоий ходим билан биргаликда ташкил этади;

Ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказиб, турмуш тарзи, хулқ-атвори, оилавий шароити ҳамда касбий лаёқатини ўрганади, уларни тадбиркорлик, касаначилик ва хунармандчиликка жалб қилиш, зарур ҳолларда уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш чораларини кўради;

Мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраб келаётган хотин-қизларнинг хонадонига бориб, турмуш тарзи, хулқ-атвори ва оилавий шароитини ўрганади, аниқланган муаммоларини бартараф этиш чораларини кўради, зарур ҳолларда мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраб келаётган шахсларга ҳимоя ордерини бериш бўйича профилактика инспекторига таклиф киритади;

Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ва профилактик ҳисобда турган хотин-қизларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, оилавий шароити ва касбий лаёқатини ўрганади, улар билан манзилли чора-тадбирларни амалга оширади, ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда бандлигини таъминлаш чораларини кўради<sup>6</sup>.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30-ноябрдаги “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 801-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7243832>.



Шу билан бир қаторда хотин-қизларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ишларни олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9-январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон фармони қабул қилинди. Ушбу фармон билан аҳолининг барча қатламларининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини ошириш белгиланган.

Ушбу фармон билан қуйидагилар жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида **«Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!»** деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини** кенг тарғиб қилиш.

Аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш.

Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш.



Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш.

Юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш.

**«Юксак ҳуқуқий маданият — мамлакат тараққиёти кафолати»** деган концептуал ғоя асосида аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазибаларидан бири этиб белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш **«шахс — оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият»** принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилади<sup>7</sup>.

Профилактика инспекторлари хотин-қизлар фаоли билан ҳамкорикда хотин-қизларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича ишларни олиб бориши лозим<sup>8</sup>.

Ўзбекистон Республикаси 2014-йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг 371-сонли қонуни<sup>9</sup>да 23-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг чора-тадбирлари сифатида аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ҳам белигиланган. Профилактика инспекторлари хотин-қизлар фаоли билан биргаликда хотин-қизларни ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича уларни ўқитиш марказларига юбориш орқали ҳамкорликни амалга оширадilar.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9-январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғриси”да ПФ-5618-сон фармони.

<sup>8</sup> Mayor, Atazhanov O‘tkir Mamatsalaeovich. “ICHKI ISHLAR ORGANLARI PROFILAKSIYA INSPEKTORIY INSPEKTORLARI MAHALLA FUQAROLAR YIGINLARIDAGI HISOBOT BERISH FAOLYATINING HUQUIY ASOSLARI TAHLILI.” *Yangi asr innovatsiyalari jurnali* 11.6 (2022): 117-121.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси 2014-йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг 371-сонли қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357>.



Хулоса қилиб айтадиган бўлсак юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти қанчалик юқори бўлса жамиятимиз шунчалик марифатли билимли ва кучли бўлади. Юксак билимли жамият эса тараққиёти юқори чўққиларга эришади. Шу сабабли бизнинг юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 10 apreldagi «Ichki ishlar organlarining faoliyati samaradorligini tubdan oshirish, jamoat tartibini, fuqarolar huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini ishonchli himoya qilishni ta'minlashda ularning mas'uliyatini kuchaytirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi farmoni // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. – 2017. – № 15. – 243-m. – B. 26–31.
2. file:///C:/Users/User/Downloads/yangi-zbekistonda-hotin-izlar-u-u-larining-imoyasi-va-kafolatlari.pdf.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1-мартдаги “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 146-сон қарори. <https://lex.uz/ru/docs/5884084>.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30-ноябрдаги “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 801-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7243832>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9-январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини tubdan такомиллаштириш тўғриси”да ПФ-5618-сон фармони.
6. Mayor, Atazhanov O'tkir Mamatsalaeovich. “ICHKI ISHLAR ORGANLARI PROFILAKSIYA INSPEKTORIY INSPEKTORLARI MAHALLA FUQAROLAR YIGINLARIDAGI HISOBOT BERISH FAOLYATINING HUQUIY ASOSLARI TAHLILI.” Yangi asr innovatsiyalari jurnali 11.6 (2022): 117-121.
7. Ўзбекистон Республикаси 2014-йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг 371-сонли қонуни. <https://lex.uz/docs/2387357>.
8. Mayor, Atazhanov O'tkir Mamatsalaeovich. “ICHKI ISHLAR ORGANLARI PROFILAKSIYA INSPEKTORIY INSPEKTORLARI MAHALLA FUQAROLAR YIGINLARIDAGI HISOBOT BERISH FAOLYATINING HUQUIY ASOSLARI TAHLILI.” Yangi asr innovatsiyalari jurnali 11.6 (2022): 117-121.
9. Bobur, Mustofaqulov, Asror o'g'li, Niyatullo Jahongir o'g'li Ahmadqulov. "MUHIM SIYOSATDAN KASALLIK INSPEKTORLARINI OLDINI OLISH". Central



POLAND

## CURRENT APPROACHES AND NEW RESEARCH IN MODERN SCIENCES

International scientific-online conference



POLAND

Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2 (2024): 58-62..

10. ugli G'ofurov, A. A., & o'g'li Mustofaqulov, B. A. (2024 yil, dekabr). HUQUQCHIYLIK profilaktikasi XIZMATINDA KADRLARNI TA'LIM OLIHNING SAMARALI TIZIMINI TAKMONLASH. XALQARO ILMIY KONFERENSIYADA "ILMIY ILIMLAR VA INNOVATSION YUNDASHISHLARI" (1-jild, 2-son, 16-22-betlar).

11. Bobur, Mustofaqulov, Asror O'g'li va Asadbek Abror O'g'li Abduxalilov."MUHIM HODISA BO'LGAN HOLDA KASALLIKNING MUHIMLIGINI TEKSHIRISHNI profilaktikasi". Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.1-2 (2024): 130-136.